*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
16 май
ЧОРШАНБА

№ 38
(12.466)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

ҲУНАРМАНДЧИЛИК



## КАСБИ БОРНИНГ БАХТИ БОР

**Республика Президентининг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони аёлларнинг садоқатли оила бекаси, фарзандлар тарбиясида жонкуяр бўлиш билан бирга жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги иштирокини янада фаоллаштиришда муҳим омил бўлаётир.**

Янгийўллик Шоҳсанам Абрайева шундай фаол тадбиркор, кўпчиликнинг бошини қовуштирадиган етакчи сифатида туман аҳолиси ҳурматини қозонган аёллардан бири.

Шоҳсанам ёш бўлишига қарамай, туманда хотин-қизлар ва тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш, ҳунармандчиликни ривожлантириш, ёшларга ҳунар ўргатиш борасида хайрли ишлар қилмоқда.

– Оилаларни мустаҳкамловчи муҳим омиллардан бири оилавий тадбиркорликни ривожлантиришдир, – дейди "Miss SANAM" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шоҳсанам Абрайева. – Маълумки, иқтисодий бақувват оилада муаммо бўлмайди, аксинча, у янада мустаҳкам бўлиб боради. Шу боис туманимизда оилавий тадбиркорлик ҳамда ҳунармандчиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётир. Ҳар бир аёл оқила уй бекаси, тадбиркор, ҳунарли бўлгани яхши экан. Мен ҳам истиқлол шарофати билан ўз бахтимни ҳунардан топдим. Бугун оилам тинч ва тўкин, севимли касбим билан шуғулланаяпман. Аёл учун шунинг ўзи катта бахт.

Шоҳсанам мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилаётган имконият ва имтиёзлардан руҳланиб, 2012 йилда тикувчиликка ихтисослашган "Miss SANAM" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этди. Корхона фаолият бошлаши билан маҳалладаги бир нечта хотин-қиз муқим иш билан таъминланди. Айни пайтда бу ерда болалар ва аёллар кийим-кечаклари тикилмоқда. Шу билан бирга ўндан ортиқ ёшларга устоз-шогирд анъанаси асосида касб ўргатилмоқда.

**Камолиддин АСҚАРОВ.**

**СУРАТДА:** корхона раҳбари Шоҳсанам Абрайева (ўртада) шогирдлари даврасида.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

## БУЮК КЕЛАЖАК УЧУН

**Инсонпарварлик тамойиллари устувор мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар мустақил Ўзбекистон аҳолиси, келажаги порлоқ ёшлар баркамоллигини, фаровон турмуш ва бахтли ҳаётини таъминлаш мақсадига йўналтирилган.**

Эртанги кун учун бугундан пойдевор қўйишдек доно сиёсатнинг самараси бўй кўрсатиб турибди. Уни мустаҳкамлаш ўз қўлимизда. Яъни, жамиятнинг гуллаб-яшнашига дахлдор баркамол авлод учун курашмоқ зарур. Юртбошимизнинг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида", "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида" каби қарорлари айнан миллат тақдирига жиддий эътибор ва ғамхўрликнинг юксак намунасидир.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари, "Адолат" социал демократик партияси вилоят кенгаши ҳамкорлигида Қибрайдаги "Умид гулшани" сиҳатгоҳида Мустаҳкам оила йили муносабати билан "Репродуктив саломатлик муҳофазаси – соғлом келажак кафолати" мавзусида ўтказилган ижтимоий-сиёсий тадбир ушбу қарорлар ижросига, вилоятимизда "соғлом она – соғлом бола", "мустаҳкам оила" йўналишида олиб борилаётган ишлар таҳлилига бағишланди. Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, тиббиёт фанлари доктори, профессор Зуҳра Ботирова "Репродуктив саломатликни таъминлаш – давлат сиёсатининг устувор йўналиши: ҳуқуқий асослари, муаммо ва ечимлари" хусусида сўзлаб, жумладан, шундай деди:

– Ўзбекистон Давлат қонунчилиги энг аввало инсон манфаатлари учун хизмат қилади. Шу билан бирга қонун йўли билан яратилган барча имкониятлардан фойдаланаётган ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқи ва бурчларини ҳам яхши англамоғи лозим. Соғлом ва мустаҳкам оила қуриш учун ҳар ким аввало ўз саломатлигини асраши ва соғлом фарзандларни дунёга келтириб, тарбиялаб, вояга етказишга бурчлидир. Бунинг учун мамлакатимизда зарур шароит ва имкониятлар етарли. Репродуктив саломатлик – бу аввало аёлнинг соғлом зурриёдни дунёга келтира олиш имконияти. Бунга унинг ўзи ҳам, ота-она, қайнота-қайнона, ҳатто маҳалладошлар ҳам дахлдор...

Учрашув қатнашчилари, шунингдек, "Репродуктив саломатликни муҳофаза қилишда ҚВП, маҳалла ва оила ҳамкорлигининг аҳамияти", "Соғлом бола – юрт истиқболи, жамият таянчи" ва бошқа мавзулардаги маърузаларда келтирилган қизиқарли далиллар, ибратли ҳамда кўпчиликка сабоқ бўладиган воқеаларни мароқ билан тинглашди, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**Тошкент вилояти педагогика институтида "Камолот" ЁИҲ томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Камолот кубоги" спорт мусобақаси бўлиб ўтди.**

## КАМОЛОТ КУБОГИ

Мусобақани ўтказишдан асосий мақсад талаба-ёшларнинг жисмоний ривожланишини таъминлаш, уларни футболга бўлган қизиқишларини янада оширишдир.

Спорт соҳасида аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар ёшларни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб қилиш имконини бермоқда. Бу эса жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Футбол спортнинг жамоавий ўйин тури ҳисобланади. Саккиз жамоага бўлиниб, факультетлар майдонда кубок учун бир-биридан қизиқарли ўйинлар намойиш этишди.

**Барно МЕЛИҚУЛОВА,**
**"Туркистон-пресс".**

## ХОНАДОН ОБОД, ДАСТУРХОН ТЎКИС

### *вилоятимиз фермерлари пойтахт аҳолисини сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашда ташаббус кўрсатмоқдалар*

Тошкент тарафдан Янгийўл туманига кириб борар экансиз, йўлнинг икки ёқасидаги янги боғ-роғлар диққатингизни тортади. Интенсив усулда барпо этилган бу ажиб мевазор зангиоталик фермер, миришкор боғбон Заҳириддин Сайфуддиновга қарашли эканлигини бу атрофда билмаган одам йўқ, ҳисоби.

Бу бежиз эмас. Чунки Заҳириддин Сайфуддинов мамлакатимизда боғдорчиликни янада равнақ топтиришга қаратилаётган эътибор ва имкониятлардан фойдаланиб, янги экиш ва парваришлаш технологияси асосидаги интенсив боғларнинг кўпайишида алоҳида фаоллик кўрсатаётир. Тажрибали боғбон бу технологияни илк бор Польша давлатига борганда кўрган ва уни ўз хўжалигида синовдан ўтказганди. Натижа кўнгилдагидек бўлгач, хорижлик соҳибкорларни ҳамкорликка чорлади. Қарийб ўн гектар ерда ташкил этилган янги боғни кўриб қизиққанлар кўп бўлди. Шу тариқа кейинги икки йил ичида вилоятда хориж кўчати ва технологияси асосида барпо этилган боғлар салкам 5000 гектарга етди. Юртимизнинг тўрт тарафидан тажриба алмашиш мақсадида боғбонни дараклаб келувчилар кўпайди. Бугун бундай боғларни юртимизнинг барча гўшаларида учратиш мумкин.

Энг муҳими, кўп йиллик тажрибага эга боғбон шу чоққача хориждан келтирилган янги паст бўйли, серҳосил мева кўчатларини ўз хўжалигида етиштиришни ўзлаштирди. Бундан ташқари, фермер хўжалигида тайёрланаётган ноёб атиргул кўчатлари, ҳатто, хорижга ҳам экспорт қилинмоқда. Кўчатчиликдаги муваффақиятларидан руҳланган фермер бу хайрли ишлардан пойтахт аҳолисини ҳам баҳраманд қилиш ҳаракатида.

– Кўпчилик шаҳарликларда кафтдек бўлса ҳам томорқа бор, – дейди фермер. – Хонадон соҳибларида шу ерга мевали дарахтлар, турфа гуллар, ҳатто, айрим сабзавот экинларини ҳам экишга иштиёқ кучли. Аммо, кўпинча бунга имкон бўлавермайди. Баъзан эса, танланган кўчатнинг нобоп чиқиши ҳафсалани пир қилади. Шаҳарлик томорқа эгаларига кўмаклашиш учун хўжалигимизда миллионлаб гул, сабзавот кўчатлари, шунингдек, манзарали ҳамда паст бўйли мева дарахти ниҳолларини тайёрлаяпмиз. Мақсадимиз шаҳарликларни баҳор мавсумида ишончли кўчатлар билан таъминлаш ва шу орқали пойтахтимизнинг янада обод ва фаровон бўлишига ҳисса қўшишдир.

Фермер аҳолига кўчатларни узлуксиз етказишнинг ҳам самарали йўлини топди. Гап шундаки, ўтган йил поёнида фермернинг ташаббуси билан пойтахтнинг "Изза" мавзесида асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан арзонлаштирилган нархларда савдо қилувчи муҳташам супермаркет ҳамда маиший хизмат мажмуаси қуриб, фойдаланишга топширилган эди. Унда кўчат савдосига мўлжалланган бир бўлинма ташкил этса, кифоя.

Бу ҳақда фермернинг ўзи шундай дейди:

– Хорижда бўлганимда, атайин супермаркетларга кириб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ажратилган расталарни кўздан кечирдим. Сабзи-пиёз дейсизми, караму ошқовоқ, мева-чева дейсизми, хуллас, ҳаммасидан бор. Табиат неъматларининг сара-саралари шундай тартиб билан терилганки, тикилсангиз аксингиз кўринади. Аммо нарх-навоси осмонда. Ўшанда кўнглимда юртимиз пойтахтида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилишга ихтисослашган мана шундай замонавий мажмуа қуриш иштиёқи уйғонган эди...

Тиниб-тинчимас фермер имкониятларини чамалаб, ўз орзусини рўёбга чиқаришга киришди. Мақсадини мутасаддиларга айтганда, улар ҳам қўллаб-қувватлашди. Қисқа фурсатда ер ажратилди, қурилиш бошланиб кетди.

Шундай қилиб, пойтахтдек шаҳри азимда "Миришкор Сайфуддинова Хонзода" фермер хўжалигининг муҳташам савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси пайдо бўлди. Бунинг учун хўжалик ўз ҳисобидан 410 миллион сўм маблағ сарфлади. Эътиборлиси шундаки, мажмуа таркибидаги замонавий супермаркетда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари қатори дала ва боғ неъматлари арзонлаштирилган нархларда сотилмоқда. Бунинг учун вилоятдаги кўплаб фермер хўжаликлари ва агрофирмалар билан ҳамкорлик қилинмоқда. "Бўзсув" ва "Иттифоқ мева сабзавотлари" агрофирмалари билан қарийб 500 миллион сўмлик шартнома расмийлаштирилди. Фермер бу хайрли мақсад йўлида вилоятдаги жамики заминдорларни манфаатли ҳамкорликка чорламоқда. Шу саъй-ҳаракатлар натижасида мажмуа иш бошлаган дастлабки ойнинг ўзида шаҳарликларга салкам 70 миллион сўмлик савдо хизмати кўрсатилди.

– Ҳар бир хонадонда қишлоқ хўжалик маҳсулотларига кундалик эҳтиёж бор, – дейди харидор Шоҳида Исматова. – Шуни ҳисобга олиб, бундай супермаркетнинг иш бошлаши уй бекалари учун ҳақиқий қулайлик бўлди. Энг муҳими, маҳсулотлар сифати ва нархи маъқул. Айниқса, тўловлар учун барча турдаги пластик карточкалар қабул қилинаётгани айни муддао бўлди. Бу ердаги маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари фаолияти ҳам рисоладагидек.

– Бундай хайрли ташаббусларни янада оммалаштириш ҳаракатидамиз, – дейди вилоят ҳокимлиги қишлоқ ва сув хўжалиги, аҳоли пунктларини ободонлаштириш масалалари бўйича котибият мудири Аброржон Сулаймонов. – Чунки, пойтахтликларни асосий турдаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш вилоятимиз деҳқонларига ҳамиша катта масъулият юклайди. Шуни чуқур ҳис қилган фермерларимиз ўтган йили Тошкент шаҳри аҳолиси учун 9 минг тонна мева, 31 минг тонна узум, 297 минг тонна сабзавот, 45 минг тонна полиз, 161 минг тоннадан кўпроқ картошка етказиб бердилар.

**Аъло РАҲМАТИЛЛАЕВ.**

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакилларининг маданий анъаналар ва миллий таомлар фестивали бўлиб ўтди.**

## МИЛЛИЙ ТАОМЛАР ФЕСТИВАЛИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда АҚШ, Озарбайжон, Туркманистон, Германия, Бангладеш, Буюк Британия, Кувайт, Индонезия, Италия, Малайзия, Миср, Польша, Россия, Украина, Франция, Иордания, Вьетнам, Хитой, Чехия, Эрон, Қозоғистон, Ҳиндистон каби ўнлаб мамлакатларнинг юртимиздаги элчихоналари вакиллари иштирок этди.

Дипломатлар ўртасида анъанавий тарзда ўтказилаётган турли спорт мусобақалари, маданий ва маърифий учрашувлар, фестиваллар халқаро муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилаётир.

Фестивалда турли мамлакатлар халқларининг маданияти, урф-одатлари, қадрияти ва анъаналари, миллий либослари, таомлари, ҳунармандлик ва амалий санъат намуналари намойиш этилди.

**ЎзА.**

СЕМИНАР

## ОИЛАВИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

**Республика Президенти "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳририни тайёрлаш ҳамда "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида" Қонун қабул қилиш зарурлигини қайд этган эди.**





– Бу қонунларда ташкилий жараёнларни соддалаштириб, кўпроқ эркинлик ва имтиёзлар бериш, кредитлаш, ресурслардан фойдаланиш сингари муҳим масалаларни ҳал қилувчи қоидалар мужассам, – деди Чирчиқда ташкил этилган семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси Абдурашид Алтиев. – Жумладан, даромадларнинг йиллик декларацияси шаклига босқичма-босқич ўтиш, молия ва статистика ҳисоботларини янада соддалаштириш, ҳисоботларни электрон шаклда тақдим қилиш масалалари ҳал этилди.

Қўмита ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорликда ўтказган бу семинар икки янги қонуннинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, уларнинг амалда бажарилишини ташкил этиш ва бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш масалаларига бағишланди. Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари, вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари депутатлари, вилоят бошқармалари ва прокуратураси раҳбарлари, сиёсий партиялар етакчилари, ҳокимликлар ва ўзини ўзи бошқариш идоралари фаоллари, тадбиркорлар, матбуот ходимлари иштирок этишди.

Семинар-машғулотни вилоят ҳокими ўринбосари Сайёра Файзиева бошқарди.

Иштирокчилар янги таҳрирдаги "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги ва "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонунларнинг мазмун-моҳияти, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, текширишларни тартибга солиш ва солиқ тизимини соддалаштириш мавзуларида маърузалар тинглашди.

Маърузачилар ва мутасадди идораларнинг раҳбарлари семинар қатнашчиларининг саволларига ойдинлик киритишди.

**Жўрабек МУРОДОВ.**
**Еркебой БОТИРОВ ва Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 237-21-93; 237-16-24 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

# ЁШЛАРГА – ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ

**Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Қибрай тадбиркорлик касб-ҳунар коллежида ёшларда экологик маданиятни ошириш мавзуида тадбир ўтказди.**

Сўзга чиққанлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатни асраб-авайлаш ҳар бир фуқаронинг вазифаси эканини таъкидладилар. Табиий ресурсларга оқилона муносабатда бўлиш, чиқиндиларни ташиш, сақлаш ва жойлаштириш, ўсимлик дунёсини асраш, табиатни ардоқлаш, унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш устувор вазифа экани кўрсатиб ўтилди.

Талабаларни қизиқтирган саволларга мутахассислар жавоб беришди.

**Насиба АҲМЕДОВА, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бўлим бошлиғи.**

ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ



# ПУДРАТЧИ – ФЕРМЕРНИНГ ҚАНОТИ

**Йўлдош Усмонов кўп йиллар жамоа ва ширкат хўжаликларида оддий дала ишчиси бўлиб хизмат қилди. 1998 йилдан бошлаб фермер хўжаликларида пудратчи бўлди. Бинобарин, кўп вақти далада ўтган ўша йиллар бўлажак фермер учун тажриба мактаби вазифасини ўтади.**

Шу боис 2005 йилга келиб, ўз фермер хўжалигини ташкил қилишга жазм этди. Туман ҳокимлиги ҳам унинг кўп йиллик тажрибасини ҳисобга олиб, ишонч билдирди.

Бугун "Жалолиддин-Шуҳрат" Юқори Чирчиқ туманидаги олди фермер хўжаликлардан бири. Бу йил 57,1 гектар ернинг 32 гектарига эрта муддатларда чигит экиб, текис ундириб олинди. Керагича ўғитлаб, бегона ўтлардан тозалаб, биринчи ишловдан чиқарди. Мўлжал – камида 33 центнердан ҳосил олиш. 25,1 гектар майдондаги буғдойнинг ҳосили ҳам ҳар йилгидан яхши. Об-ҳаво инжиқлик қилмаса, бу йилги мавсум ҳам муваффақиятли якунланиши аниқ.

– Хўжалигимизда ҳосилдорлик барқарор, – дейди фермер Йўлдош Усмонов. – 12 кишидан иборат жамоамиз аҳил-иноқ. Пудратчиларимиз етарли тажрибага эга. Қолаверса, икки ўғлим ёнимга киришди. Шуҳрат иш бошқарувчиликни яхши эплаяпти. Жалолиддин – асосий механизаторимиз. Техника билан боғлиқ юмушларни ўз зиммасига олган.

– Фермеримиз пудратчидан чиққани боис уларнинг меҳнатини қадрлайди, – дейди ишчи Саидкарим Исмоғилов. – Ойига 150 минг сўмдан маош берилади. Бундан ташқари, ғалла ўриб-янчиб олинганидан сўнг пудратчиларга 100 тадан прессланган сомон, бир тоннадан буғдой тарқатилади. Яна ғалладан бўшаган майдондан бир гектардан ер берилади. Ҳар ким ўзи хоҳлаган экинини эплаганча экиб олиб, қўшимча даромадга эга бўлади.

**СУРАТДА:** (чапдан) ишчи Саидкарим Исмоғилов, фермер Йўлдош Усмонов, Сурангент қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Динислом Конаев.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

# БЕМИННАТ КЎМАКЧИ

**Халқаро ҳамжамият ҳар йилнинг 8 май санасини Халқаро Қизил хоч ва Қизил Ярим ой жамияти ташкил топган кун сифатида кенг нишонлайди. Ушбу сана бу йил 149-марта байрам қилинди. 1992 йилда республика Президентининг "Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти тўғрисида"ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ушбу Фармон ижросига бағишланган қарори эълон қилинганидан сўнг мамлакатимизда Жамият ҳар томонлама барқарор ривожлана бошлади.**

1995 йилга келиб, Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти жаҳоннинг 188 мамлакати Миллий жамиятларини бирлаштирган халқаро Қизил хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари федерацияси аъзоси этиб қабул қилинди ва ушбу халқаро Ҳаракатнинг ажралмас қисмига айланди.

Мустақиллик йилларида Жамият жадал ривожланиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Бугунги кунда у замонавий техника билан жиҳозланган республика марказий офисига, вилоят бўлимлари эса алоҳида бинога эга. Давлат ва маҳаллий ҳомийлар ёрдамида Жамиятнинг "Инсонийлик" ўқув-услубий маркази биноси ҳам қуриб битказилди ва машғулот ҳамда амалий тренинглар ўтказиш учун қулай бўлган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Фаоллар ва кўнгиллилар малака оширишлари учун лозим бўлган барча шароитлар яратилди. Бир сўз билан айтганда, Қизил Ярим ой жамияти аҳоли турмуши билан боғлиқ ижтимоий масалалар ечимида, соғлом турмуш тарзини тарғибот қилишда, юқумли касалликларнинг олдини олишда, шунингдек, халқаро инсонпарварлик ғояларини илгари суришда давлат ташкилотларининг амалий кўмакчисига айланди.

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти пойтахтнинг Ғафур Ғулом номидаги истироҳат боғида халқаро Қизил хоч ва Қизил Ярим ой кунига бағишлаб, байрам тадбири уюштирди. Тантаналар бошланиши олдидан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ташкил этилди. Сўзга чиққанлар Жамият ўз фаолиятини йилдан-йилга кенгайтириб, халқ ҳаёти ва турмушининг барча жабҳаларига тобора чуқурроқ кириб бориб, моддий, маънавий ва амалий ёрдамини кучайтираётганини алоҳида таъкидладилар.

Анжуманда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти раиси Х. Каримов ва халқаро Қизил хоч қўмитасининг Тошкентдаги вакиллиги раҳбари Ив Арнольд сўзга чиқишди ва журналистларнинг саволларига жавоб беришди.

– Жамиятимизнинг бошланғич ташкилотлари 368 тага етди, – дейди Қизил Ярим ой жамияти вилоят ташкилоти раиси Нигора Рустамова "Тошкент ҳақиқати" мухбири билан суҳбатда. – Уларга 71 минг 96 киши аъзо бўлган. Шундан 57 фоизи ёшлар. Ташкилотнинг бошланғич бўғинлари ва аъзолари йилдан йилга ортиб бораётгани боис хайрли тадбирлар кўлами ҳам тобора кенгаймоқда.

Масалан, 2011 йил 6 апрель куни Ўрта Чирчиқ тумани Қорасув қишлоғидаги кўп хонадонли уйда юз берган бахтсиз ҳодисадан зарар кўрган оилаларга ташкилот 10 миллион сўм ёрдам пули ажратди.

Шунингдек, Оҳангарон тумани "Ғаллақудуқ" маҳалласидаги қатор оилаларга 1 миллион 868 минг сўмликдан зиёд кийим-кечак ва санитария-гигиена тўпламлари тарқатилди. Бундан ташқари, вилоят бўйича 62 ногироннинг ҳар бирига жойлардаги халқ банкининг маҳаллий бўлимларида ҳисоб рақамлари очилиб, 3 миллион 899 минг сўм маблағ ўтказиб берилди.

Наврўз айёми кунлари жамиятимиз кам таъминланган 31 фуқарога 520 минг сўмлик дори-дармон, 348 кишига 3 миллион 800 минг сўмлик озиқ-овқат ҳамда 181 кишига 1 миллион 220 минг сўмлик совға-саломлар тақдим этди. Ёрдамга муҳтож 605 киши иштирокида байрам тадбири уюштирилиб, 5 миллион 738 минг сўм хайрия ёрдамлари кўрсатилди.

Жамиятимизнинг асосий мақсади беминнат ёрдам кўрсатиш, халқимизнинг меҳр-шафқат, оқибат каби қадриятларини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида янада кенг тарғиб қилишдан иборатдир.




**Даврон АҲМАД олган сурат.**

ҚОНУН – МУҚАДДАС

# АМАЛИЙ НАЗОРАТ

**Иш ҳақи ва бошқа тўловларнинг ўз вақтида тўланишига доир қонунлар ижроси алоҳида назоратга олиниб, уларнинг бажарилиши мунтазам кузатиб борилмоқда. Бу жараёнда асосий эътибор аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадлари учун бюджетдан ажратилаётган маблағларнинг мақсадли сарфланиши, нафақа тўловлари ўз вақтида етказилишига қаратилаётир. Қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланилмоқда.**

Жумладан, Чиноз туман прокуратураси гидромеханизация қурилиши бошқармасида иш ҳақи вақтида тўланмаётгани, ишчи-ходимларнинг иш ҳақидан 83,9 миллион сўм қарздорлик юзага келганини аниқлади. Уни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судига даъво аризаси киритилиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддаси 1-қисми билан корхона раҳбари Б. Абдуллаевга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Шунингдек, олиб борилган текширишлар натижасида Чирчиқ шаҳридаги "Ҳамид" хусусий корхонасида иш ҳақидан 10,6 миллион сўм, "Фахриддин барака бизнес" масъулияти чекланган жамиятида 3,1 миллион сўм, "Чернобелец" масъулияти чекланган жамиятида 3,3 миллион сўм қарздорлик юзага келгани аниқланди. Шаҳар прокуратураси ушбу ҳолатлар юзасидан ҳам маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатди.

Вилоят прокуратура идоралари амалга оширган чора-тадбирлар туфайли 2012 йилнинг 1 май ҳолатига пенсия, бюджетдан молиялаштириладиган корхона ва ташкилотлар ишчи-хизматчиларининг иш ҳақи ҳамда нафақа сингари биринчи даражали тўловлардан қарздорлик бартараф этилди, жами 4,3 миллиард сўмдан ортиқ иш ҳақларини тўлаш таъминланди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида 6 та тақдимнома киритилиб, 44 мансабдор шахс маъмурий, 3 нафари интизомий жавобгарликка тортилди. Ишчи ва ходимларнинг қонуний манфаатини кўзлаб фуқаролик ишлари бўйича судларга 5,9 миллиард сўмлик иш ҳақини ундириш бўйича 809 та ариза киритилди. Жиддий қонунбузилиши ҳолати юзасидан битта жиноят иши қўзғатилди.

**Аслиддин ТОШПЎЛАТОВ, вилоят прокуратураси бўлим прокурори.**

# ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

**Ўрта Чирчиқ туман 1-умумтаълим мактабида "Ватанпарвар" ташкилоти, туман Қизил Ярим ой жамияти ва давлат автомобиль назорати ходимлари билан ҳамкорликда йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлигига бағишланган тадбир ўтказилди.**

Юздан ортиқ ўқувчи-ёшлар иштирок этган тадбирда йўл ҳаракати қоидалари, тасодифий автоҳалокатлар вақтида биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан тушунтириш берилди.

Туман шифохонасининг травматология бўлимига Қизил Ярим ой жамияти туман бўлими эсдалик совға ҳадя этди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

# УЛАР СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРАФДОРИ

**Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, халқимизнинг тиббий маданиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.**

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти кенгаши, хотин-қизлар қўмитаси, вилоят тиббиёт бирлашмаси ҳамда "Маҳалла" жамоат фонди ҳамкорлигида Қуйи Чирчиқ туманида ташкил этилган тадбир ёшлар ўртасида гиёҳвандликнинг олдини олиш, турли касалликларга қарши курашиш масалаларига бағишланди.

Умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган тадбирда ёш авлод онгу шуурида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, турли иллатларга қарши курашиш бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири экани таъкидланди.

**ЎзА.**

**«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» YOAJ**

"Toshkent mintaqaviy filiali" бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига ҳамда "Тошкент вилояти матбуот ва ахборот бошқармаси"нинг 2012 йил 15 майдаги МБ-110-сонли хатига мувофиқ Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 19-уй манзилида сақланаётган "Ласетти" русумли, д/р 01 171 ОВА бўлган, 2010 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 29 051 624 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 18 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 15 июнь куни соат 18.00.

Юқоридаги мулк 2012 йил 18 июндаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 5 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 5 июлдаги савдо учун 3 июль куни соат 18.00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Юқоридаги автотранспорт воситаларининг аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Respublika mulk markazi" YoAJ "Toshkent mintaqaviy filiali"нинг ОАИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22622000600571452011, МФО 01036, СТИР 200933850, ОКОНХ 83300. Манзил: Тошкент ш., Миробод т., Амир темур шоҳкўчаси, 19-уй.

Телефон: 233-28-52. www.rmm.uz.

ТАДБИР

# БОҚИЙ ҚАДРИЯТ

Вилоят ҳокимлиги республика Президентининг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида пойтахтдаги "Dedeman Silk Road Tashkent" меҳмонхонасида Дўстлик жамиятлари кенгаши вилоят бўлими ҳамда "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамоат фонди ҳамкорлигида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, ногиронлар, ёлғиз кексалар ва вилоятда фаолият юритаётган Миллий маданий марказлар раҳбарлари ҳамда фаолларидан иборат турли миллат вакиллари иштирокида байрам тадбири ўтказди.

Миллатимизнинг энг қадимий ва боқий қадриятларидан бўлмиш хайр-эҳсон тадбири Ўрта Чирчиқ тумани Қумовул қишлоғидаги вилоят Маданият, маънавият ва маърифат марказига саёҳатдан бошланди. 250 дан зиёд меҳмонлар Марказ мажмуаси ҳамда унинг фаолияти билан атрофлича таништирилди.

Байрам тадбири "Dedeman Silk Road Tashkent" меҳмонхонасининг тантаналар залида давом этди. Сўзга чиққанлар юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар тўғрисида фикр юритдилар. Элга танилган санъаткорлар, севимли ёзувчи ва шоирларнинг чиқишлари байрам иштирокчиларига кўтаринки кайфият бағишлади.

Тадбир якунида иштирокчилар вилоят ҳокимлиги, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ҳамда "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамоат фонди вилоят ваколатхонасининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.



**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментининг "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2012 йил 11 майдаги 24-Баённомасининг қарори билан қуйидаги:

**Янгийўл туманидаги «AVTOMOBILCHI SOBIRJON» МЧЖга тегишли:**

-"Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида енгил автомобилларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун 2009 йил 21 май куни берилган "АТ" серияли 000178, "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида микроавтобусларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун 2009 йил 21 май куни берилган "АТ" серияли 000179 ва "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида автобусларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун 2009 йил 16 июль куни берилган "АТ" серияли 000196 рақамли лицензиялар фаолияти 2012 йил 12 майдан бошлаб қайта тиклангалигини маълум қилади.

**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖда 2012 йил 10 апрелдан 10 май ойлари давомида кимошди савдо натижалари тўғрисида маълумот**

| Савдо санаси | Ким томонидан савдога қўйилган | Кўчмас мулк номи ва манзили | Бошланғич баҳоси (сўм) | Сотилиш баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 18.04. 2012 | Чилонзор тумани СИБ | Чилонзор тумани СИБ томонидан 25.10.2011 № 37740-сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ц-даҳа, 3-уй, 31-хонадон. 2 хонали тураржой, умумий майдони 49,36 кв.м., яшаш майдони 33,60 кв.м. | 33 500 834 | 38 050 000 |
| 24.04. 2012 | Мирзо Улуғбек тумани СИБ | Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 2010 йил 24 майдаги № 12538-41/22-сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-1, 13-уй, 14-хонадонда жойлашган 2 хонали тураржой. | 14 949 654 | 18 000 000 |
| | Мирзо Улуғбек тумани СИБ | Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 2010 йил 4 мартдаги № 2-036-10-сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ. Абдуллаев кўчаси, 130-уй, 31-хонадонда жойлашган 3 хонали тураржой. | 27 411 222 | 30 450 000 |

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: 266-80-76.

**«SPARETRA» МЧЖда 2012 йил 10 апрелдан 10 май ойлари давомида кимошди савдо натижалари тўғрисида маълумот**

| Савдо санаси | Ким томонидан савдога қўйилган | Автотранспорт номи, ишлаб чиқарилган йили ва давлат рақами | Бошланғич баҳоси (сўм) | Сотилиш баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 17.04. 2012 | Бўстонлиқ тумани СИБ | "Ваз 2109" 1994 й. д/р. 10 D 265 АА | 6 784 233 | 7 400 000 |
| | Бўстонлиқ тумани СИБ | "Ваз 2107" 1988 й. д/р. 30 J 5859 | 3 951 380 | 4 450 000 |
| | Бўстонлиқ тумани СИБ | "Нексия" 2009 й. д/р. 10 462 DAA | 20 800 000 | 22 600 000 |
| | Бўстонлиқ тумани СИБ | "Ласетти" 2010 й. д/р. 10 Р 127 ЕА | 35 000 000 | 37 200 000 |
| | Оққўрғон тумани СИБ | "Москвич 2140" 1982 й. д/р. 5697 ЧРС | 972 000 | 1 180 000 |
| | Миробод тумани СИБ | "Матиз МХ" 2007 й. д/р. 30 Y 7449 | 8 629 200 | 9 250 000 |
| 01.05. 2012 | Тошкент шаҳар ҳокимияти автотранспорт корхонаси | "Нексия" 1996 й. д/р 10 ТН 007 | 9 011 483 | 10 300 000 |
| | Тошкент шаҳар ҳокимияти автотранспорт корхонаси | "Нексия" 1996 й. д/р 10 ТН 010 | 9 011 483 | 10 000 000 |
| | Бўка тумани СИБ | 1977 й. "ГАЗ 3110", д/р. 11 АЕ 400 | 1 072 198 | 1 250 000 |
| | Зангиота тумани СИБ | "Ваз-2109", д/р. В 613 МАМ | 2 903 372 | 3 250 000 |
| | Бўка тумани СИБ | "Опел", д/р. Х 407 МТМ | 6 962 000 | 7 900 000 |
| | Бўка тумани СИБ | 1990 й. "Ваз 2106", д/р. 11 Е 4706 | 886 076 | 1 050 000 |
| | Ўрта Чирчиқ тумани СИБ | "Форд Д", д/р.11 К 359 ВА | 4 069 974 | 4 550 000 |
| | Зангиота тумани СИБ | "ГБАСПГЗИЛ-131", д/р.сиз | 4 058 827 | 4 700 000 |
| | Қибрай тумани СИБ | 2006 й. "Нексия Донс", д/р.10 ВС 855 | 11 503 000 | 12 750 000 |
| | Зангиота тумани СИБ | 1999 й. "Дамас", д/р. 15 Z 2347 | 8 900 000 | 9 800 000 |
| | Зангиота тумани СИБ | 1998 й. "Дамас", д/р. 12 I 7827 | 7 074 339 | 7 700 000 |
| | Зангиота тумани СИБ | 1980 й. "ГБАСПГЗИЛ-131", д/р. 11 V 2433 | 3 784 697 | 4 250 000 |
| 08.05. 2012 | Бўстонлиқ туман СИБ | 1978 й. "Ваз 2101", д/р. 10 О 6563 | 1 829 889 | 2 150 000 |

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: 266-80-76.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 233-57-47 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

**Юртимизда ишлаб чиқариш тармоқ ва кўламларини кенгайтириш, шу орқали янги иш ўринлари очиш, қолаверса, мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантириш мақсадида янги-янги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бир томондан, кичик бизнес йўналишида мини цехлар очилаётган бўлса, йирик саноат корхоналарини модернизациялаш ҳамда янгиларини барпо этиш орқали тизим тобора ривожлантирилмоқда. 1956 йилда фаолият бошлаган "Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати" очиқ акциядорлик жамиятининг 20 йил олдинги қиёфаси, кечаги маҳсулот турлари ва сифатини бугунгиси билан асло солиштириб бўлмайди. Чунки, комбинат фаолияти мустақилликдан сўнг янгича мазмун-моҳият касб этди.**



# ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШ ШАРОФАТИ

Ўтган йили технологик ускуналарни таъмирлаш ва янгилашга 249,96 миллион сўм ажратилди. Шу йилнинг биринчи чорагида эса ускуналарни модернизациялашга 56,07 миллион сўм маблағ сарфлангани корхона йилдан йилга ёшариб, имкониятлари кенгайиб бораётганидан дарак беради.

Корхонада халқаро стандарт талабларига мос, саноатда ишлатиладиган ўтга чидамли ва қийин эрийдиган хом ашё, кундалик ҳаётимизда зарур хўжалик моллари ишлаб чиқарилади. Жумладан, вольфрам ва молибден симлари, қийин эрийдиган ва камёб металлар, молибденнинг текис ёймалари, вольфрам, молибден, рений монокристалларини кукун ва эритиш усули билан ишлаб чиқариш корхонанинг асосий йўналиши ҳисобланади.

220 Вольт кучланишга мўлжалланган 40,60,75, 100 Вт ҳамда 12,35,40 Вольтга мослаштирилган 40,60,100 Вт лампалар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати халқаро талабларга мослиги учун хорижга ҳам экспорт қилинмоқда. Хитой, Нидерландия, Россия корхона маҳсулотларининг асосий харидорлари. 2012 йилнинг биринчи чорагида ушбу давлатларга 5 миллион 420,08 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилинди.

– Корхонамизда 2012 йил биринчи чорагида янги, етти турда 44,5 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, шундан 25,8 миллион сўмлиги ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига киритилган, – дейди корхона раҳбари Илҳом Асадов. – Иккинчи чоракда яна 88,7 миллион сўмлик 6 хилдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.





Ҳозир корхонада меҳнат қилаётган 1705 ишчи-хизматчини ижтимоий ҳамда моддий қўллаб-қувватлаш изчил йўлга қўйилган.

– Қувонарлиси шуки, ишчилар сафи ёшлар билан тўлиб бормоқда, – дейди таъмирлаш-механика цехи чилангари Ёдгор Ҳамдамов. – Ўтган йили корхонада ишлаб чиқариш ва диплом олди амалиётларида қатнашган 114 коллеж битирувчисидан 42 нафари ишга қабул қилинди. Бу йил ҳам уч томонлама шартномага асосан 68 битирувчини ишга жойлаштириш режалаштирилган.

Ўтган йили ишга кирган ёшлардан 17 нафари маҳаллийлаштириш дастури бўйича иш ўринларига эга бўлди. Бу йил ҳам қўшимча 29 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Шундан 17 ишчи маҳаллийлаштириш дастури ва 12 нафари ишлаб чиқариш тармоғини ривожлантириш ҳисобига ишга қабул қилинади.

Корхона раҳбарияти сўнгги йилларда касаначиликни ривожлантиришга ҳам жиддий эътибор қаратмоқда. 73 киши шу йўналишда меҳнат қилмоқда. Улар компьютер хизмати, бухгалтерия, рассомчилик, тикувчилик, телефон алоқаси, коммунал тўловлар назоратчилари, ободонлаштириш йўналишларида иш жойларига эга бўлдилар.

Акциядорлик жамияти сўнгги йилларда кўплаб ҳомийлик ёрдамлари кўрсатмоқда. Ўтган йилда 309,91 миллион сўм маблағ хайрли ишларга сарфланди. Чирчиқ шаҳридаги "Капалак" мактабгача таълим муассасаси, 4-кўп тармоқли поликлиниканинг иссиқлик тизимлари, "Ягона ойина маркази" таъмирлаб берилди, А. Темур ва А. Қодирий кўчалари асфальтланди.

2012 йилнинг биринчи чорагида ҳам бундай ёрдамлар учун 30,97 миллион сўм ажратилди. Бу маблағ кам таъминланган, кўп болали оилалар, ёлғиз қариялар ва бошқа кўмакка муҳтожлар эҳтиёжига сарфланди.





**Равшан ЁҚУБЖОНОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** корхонада ҳар доим иш қизғин.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

Ⓣ

UZTELECOM

«ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ

*Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонлари диққатига:*

телефон рақамларини ҳалқаро стандартларга мослаштириш мақсадида шошилинч ва маълумотлар хизматига чиқиш алоқасига янги тартиб киритилди. Аввалги тартибдаги: 01, 02, 03, 04, ..., 0хх икки ой давомида амал қилади.

- «01» (ёнғин хавфсизлиги хизмати) – «101»
- «02» (милиция) – «102»
- «03» (тез тиббий ёрдам) – «103»
- «04» (газ хизмати) – «104»
- «050» (қутқарув хизмати) – «1050»
- «0хх» (бошқа хизматлар) – «10хх»

Маълумот олиш учун телефон: (+ 99871) 200-31-31

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

I. Аукцион савдоларига Чиноз туман СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. ФИБ Тошкент вилояти Зангиота туманлараро судининг 2011 йил 27 июндаги 1-920911-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Чиноз ҚФЙ ҳудудида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 1129,17 кв.м. бўлган, бино-иншоотлар. Бошланғич баҳоси – 250 000 000 сўм.

2. Тошкент вилоят хўжалик судининг 2011 йил 22 июлдаги 11-1128/10506-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Янги Чиноз қўрғони, Наврўз кўчаси ҳудудида жойлашган, "Чиноз йўл ХПТФД" корхонасига қарашли "Йўл қурилиш-таъмирлаш" маъмурий биносидан иборат бўлган бино-иншоотлар. Бошланғич баҳоси – 74 430 000 сўм.

3. Тошкент вилоят хўжалик судининг 2011 йил 22 июлдаги 11-1128/10506-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Ёллама ҚФЙ, «Энбек» маҳалласи ҳудудида жойлашган, "Чиноз йўл ХПТФД" корхонасига қарашли "Дам олиш маскани" биносидан иборат бўлган бино-иншоотлар. Бошланғич баҳоси – 40 720 000 сўм.

4. Тошкент вилоят хўжалик судининг 2009 йил 17 августдаги 11-0928/9686-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Чиноз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчасида жойлашган, "Чиноз" МТП ДАЖ маъмурий биносидан иборат бўлган бино-иншоотлар. Бошланғич баҳоси – 70 010 000 сўм.

II. Аукцион савдосига Қибрай туман СИБ томонидан, Тошкент вилоят хўжалик судининг 2011 йил 26 декабрдаги 11-1135/19674-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Байтқўрғон ҚФЙ ҳудудида жойлашган, "Соҳил" ИЧТКга тегишли дам олиш хонаси (54,28 кв.м.), қозонхона биноси (20,20 кв.м.), иссиқхона (736,00 кв.м.), иссиқхона (1110,00 кв.м.), иссиқхона (220,80 кв.м.), иссиқхона (1065,60 кв.м.), иссиқхона (436,80 кв.м.) жами кўчмас мулк объектлари майдони 3643,98 кв.м. бўлган иссиқхона бино-иншоотлари ва умумий майдони 6356,00 кв.м. бўлган ҳовли қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 90 000 000 сўм.

III. Аукцион савдосига Пискент туман СИБ томонидан, ФИБ Ўрта Чирчиқ туманлараро судининг 2010 йил 26 февралдаги ижро варақасига асосан, Пискент тумани, Ўзбекистон ф/у манзилидаги, 42 турдаги ишлаб чиқариш ускуналари ва олти хонадан иборат маъмурий бино қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 54 036 404,24 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йил 18 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 15 июнь куни соат 18.00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "КМСХ" МЧЖнинг "Ипак Йўли банки" ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО 01036, ИНН 207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

Пискент туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2006-2007 ўқув йилида Усмонова Нигора Музоффаровна номига берилган O`R 0739234 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 06.10.2000 йилда реестр рақами 004240-01 билан рўйхатдан ўтган "TOSH PLAST KIMYO" МЧЖнинг устав фонди 127 668 684 сўмдан 7 000 000 сўмга камайишини маълум қилади.

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 25.01.2011 йилда рўйхатга олинган, гувоҳнома рақами 001740-05 билан қайта рўйхатдан ўтган "OMAD FARM AVTO" хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли масъулияти чекланган жамиятига ўзгаришини маълум қилади.

Чилонзор туманида рўйхатга олинган, (СТИР 301375822) "SM GRAND GIGANT STROY" МЧЖнинг устав фонди 500 000 000 сўмдан 220 550 000 сўмга камаяётганлигини маълум қилади. Тел.: 470-45-59.

Зангиота туманидаги "NAZARBEK-TURKISTON TRANS" хусусий корхонасига тегишли бўлган DAMAS СПГ русумли, давлат рақами 01 Y 690 BA бўлган, 06.06.2011 йилдан 05.06.2012 йилгача бўлган № 0018737 рақамли лицензия варақаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "BINAFSHA QANDOLATLARI", зарегистрированное отделом гос. Регистрации субъектов предпринимательства хокимията Учтепинского района г. Ташкента, расположенное по адресу: 4-пр ул. Гулистон, дом 64, (ИНН 301891861), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Протокол собрания № 1 от 02.05.2012г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования данного объявления по тел.: 157-85-53.

Яккасарой тумани инспекциясида рўйхатга олинган, (СТИР 302208212) "AVAZBEK TAOM SAVDO" масъулияти чекланган жамиятининг гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 921-41-33 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

**«SPARETRA» МЧЖ ихтисослаштирилган корхонаси бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Янгийўл тумани СИБ томонидан 16.08.2010 йилдаги ижро ҳужжатига асосан 2000 й. "SSANG YONG ISTANA", д/р.сиз автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 6 318 000 сўм. Юқорида кўрсатилган мулк Зангиота тумани Мистака божхона омборида сақланмоқда. Савдога Пискент тумани СИБ томонидан 13.04.2012 йилдаги ижро ҳужжатига асосан 1975 й. "Зил 130", д/р. 10 Y 9500 автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 6 100 000 сўм. Юқорида кўрсатилган мулк Пискент туманида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 19 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк 2012 йил 19 июнь куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 4 июль куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "SPARETRA" МЧЖ ихтисослаштирилган корхонасининг АКИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104887305002, МФО 00425, ИНН 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Тел.: 266-80-76.

**«Respublika Mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига такроран Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан Бўстонлиқ тумани Ғазалкент-2, "Мариам текстил Сервис" МЧЖ жарима майдонида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. "М-412ИЭ" русумли, д/р 11Z8304 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 18.03.2009 йил, №1-25. Бошланғич баҳоси – 739 531,8 сўм. 2. "Ваз-2103" русумли, д/р X287AVM бўлган, 1980 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 01.06.2010 йил, №69. Бошланғич баҳоси – 1 851 983 сўм.

3. "ГАЗ-2417" русумли, д/р 11M0152 бўлган, 1989 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 20.06.2010 й., №158-2010. Бошланғич баҳоси – 1 331 907 сўм. 4. "ВАЗ-2101" русумли, д/р 11W8452 бўлган, 1980 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 16.03.2010 й., №1-21. Бошланғич баҳоси – 1 396 393,6 сўм. 5. "ВАЗ-2101" русумли, д/р 11A0487 бўлган, 1974 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 25.08.2009 й., №220/2009. Бошланғич баҳоси – 827 097 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 5 июнь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Такроран ўтказиладиган аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 1 июнь куни соат 18.00.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Respublika Mulk markazi" ЁАЖнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. Гувоҳнома № 006231.

**«SPARETRA» МЧЖ ихтисослаштирилган корхонаси бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Бекобод шаҳар СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: 1. 14.11.2011 й., № 13129-сонли ижро ҳужжатига асосан 1977 й., "УАЗ-452", д/р. 11 L 4829 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 556 100 сўм. 2. 15.02.2012 й., № 3916-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й., "ИЖ 21-25", д/р. 11 I 2296 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 466 100 сўм. 3. 14.11.2011 й., № 13129-сонли ижро ҳужжатига асосан 1985 й., "УАЗ-452", д/р. 11 N 2357 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 611 00 сўм. 4. 15.02.2012 й., № 3914-сонли ижро ҳужжатига асосан 1988 й. "FORD", д/р. 11 W 9962 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 9 893 700 сўм. 5. 15.02.2012 й., № 3917-сонли ижро ҳужжатига асосан 1979 й., "ВАЗ-21-02", д/р. 11 Р 6347 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 410 300 сўм. 6. 14.11.2011 й., № 13128-сонли ижро ҳужжатига асосан 1978 й. "УАЗ-452Д", д/р. 11 М 3476 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 458 700 сўм. 7. 14.11.2011 й., № 13126-сонли ижро ҳужжатига асосан 1975 й., "Ваз-21011", д/р. 11 S 9211 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 414 532 сўм. 8. 16.01.2012 й., № 274-сонли ижро ҳужжатига асосан 1986 й., "Ваз 2108", д/р. 11 W 991 СА автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 6 057 000 сўм. 9. 22.11.2011 й., № 13297-сонли ижро ҳужжатига асосан 2007 й., "HAFEI", д/р. 11 J 865 СА автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 14 103 900 сўм. 10. 15.02.2012 й., № 3915-сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й., "Ваз 21-02", д/р. 11 V 872 DA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 815 200 сўм. Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситалари Бекободсавдо МЧЖ омборида сақланмоқда. 11. 14.11.2011 й., № 13122-сонли ижро ҳужжатига асосан 1989 й. "ГАЗ-5201", д/р. 11 С 6984 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 395 000 сўм. Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситаси Зафар АТС х/к омборида сақланмоқда. 12. 15.08.2011 й., № 10379-сонли ижро ҳужжатига асосан 1991 й. "ДТ-75", д/р.сиз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 836 981 сўм. Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситаси Зафар қурилиш инвест МЧЖ омборида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 29 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Савдога Чиноз Тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 14.01.2011 й., № 1-27-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й., "Москвич", д/р. 10 В 411 АА автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 584 000 сўм. 2. 03.09.2011 й., № 211-сонли ижро ҳужжатига асосан 1981 й., "Газ24", д/р. 11 С 9898 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 746 000 сўм. Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситалари Чиноз тумани ИИБ ЙХХБ омборида сақланмоқда. Савдога Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан 06.10.2011 й., № 5-286-сонли ижро ҳужжатига асосан қуйидаги мулк қўйилмоқда: 3. 3 дона "А-4-400-4УЗ" русумли электр двигателлари. Бошланғич баҳоси – 195 000 000 сўм. Юқорида кўрсатилган мулк Ўрта Чирчиқ тумани Ангор қ.ф.й «Қаторовул» маҳалласида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 15 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2012 йил 15 июнь куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 2 июль куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "SPARETRA" МЧЖ ихтисослаштирилган корхонасининг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104887305002, МФО 00425, ИНН 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй Тел.: 266-80-76.

Учтепа тумани ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган "SHARF UNIPROM" МЧЖнинг устав жамғармаси 715 217 052,41 сўмдан 224 000 000 сўмга камайишини маълум қилади.

ООО "TAS-OILA LOBARXONIM", зарегистрированное отделом гос. Регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. И. Усманова, д. 71-А, (ИНН 201524274), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Решение собрания учредителей от 24.01.2012г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования данного объявления.

ООО "MIRXAYO-OTA" Юнусабадского района сообщает об уменьшении уставного фонда предприятия с 53 929 146 сум до 35 751 118 сумов.

Утерянную круглую печать ООО "GOLD MEMORY", выданную хокимиятом Мирабадского района г. Ташкента,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Яккасарой тумани инспекцияси томонидан рўйхатга олинган, Глинка кўчаси, 6-уй, 2-хонадон манзилида жойлашган (СТИР 301802116) "NOVA TERRA GAS" масъулияти чекланган жамияти ва Чилонзор тумани инспекцияси томонидан рўйхатга олинган , Муқимий кўчаси, 174-уй манзилида жойлашган (СТИР 302154075) "SWEET CHICKEN FOOD" масъулияти чекланган жамияти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган (СТИР 207110478) масъулияти чекланган жамияти шаклидаги "ROYAL METAN GAZ" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси Яккасарой тумани, Глинка кўчаси, 6-уй, 2-хонадон манзилида жойлашган, (СТИР 301347760) "MORION GAZ" масъулияти чекланган жамияти таркибига тўлиқ бирлаштирилишини маълум қилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддатда 158-61-25 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Яккасарой тумани инспекцияси томонидан 2011 йил 22 декабрдаги 006383-11 реестр тартиб рақами билан рўйхатга олинган "SATTOR-K" МЧЖнинг устав фонди 136 703 950 сўмдан 3 146 000 сўмга камайтирилади. Тел.: 158-61-25.

ООО "DI SET GROUP", зарегистрированное отделом гос. Регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента, расположенное по адресу: Чиланзар Д-20-9 (ИНН 302188215), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Протокол собрания № 2 от 07.05.2012г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования данного объявления по тел.: 779-17-51.

Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси жамоаси бошқарманинг молия-бухгалтерия хизмати бошлиғи Зиёдулла Эрматовга падари бузруквори

**НОРЖИГИТ ота**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА **ОБУНА** бўлинг | Тел: 233-08-34 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

**2012 ЙИЛ – МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ**

# БАХТ-САОДАТ КОШОНАСИ

Ўз оиласида бахтли бўлган инсонгина бахтлидир, дейди донолар.

Дарҳақиқат, оилада меҳр бўлса, муҳаббат бўлса, иноқлик, файзу барака бўлса, у ҳақиқий бахт-саодат кошонасига айланади.

Йигит киши уйидан шод бўлиб чиқса, у саодатлидир, дейишади. Аслида бу саодатмандлик биргина хонадон соҳибигагина тааллуқли неъмат эмас. Эр ҳам, аёл ҳам, фарзандлар ҳам бу саодатдан бирдек баҳраманд бўлмоғи керак, аслида. Чунки, бир кишининг бахти – унинг бахти, оиланинг бахти эса – ҳамманики.

Сирасини айтганда, ҳамма ҳам оиласининг бахтли бўлишини хоҳлайди, шунга интилади. Аммо афсуски, барча оила ҳам бахт-саодатга эришавермайди. 2011 йил давомида Ўрта Чирчиқ туманида 1622 та никоҳ қайд этилган бўлса, туман Фуқаролик ҳолати далолатномаси ёзиш (ФҲДЁ) бўлимида 131 та никоҳ бекор қилинди. Яъни шунча оила барбод бўлди.

Никоҳи бекор қилинмаса ҳам бахти бекам бўлиб яшай олмаётганлар қанча?!

Оила бахти. У нимага боғлиқ? Бу барчани қизиқтирадиган ва айни пайтда, ўйлантирадиган масала. Келинг, бу ҳақда биргалашиб фикр юритайлик, саволга биргаликда жавоб топишга ҳаракат қилиб кўрайлик.

Аввало, қадимги Рим файласуфи Марк Цицероннинг таърифича, кишилик жамиятининг биринчи поғонаси бўлган никоҳ ҳақида сўз юрита қолайлик.

Никоҳ – икки инсоннинг ихтиёрий иттифоқи. У аксарият ўзаро муҳаббат асосида қурилади ва шундай бўлиши керак. Аммо ҳаётий тажрибалар бахтли оила барпо этиш учун муҳаббатнинг ўзи кифоя қилмаслигини кўрсатади. Улуғ француз ёзувчиси Оноре де Бальзакнинг фикрича, эр-хотин ёстиқдош бўлгунларига қадар бир-бирларини ўрганиб олишлари, феъл-атворларини мукаммал ўргана олмас эканлар, уларнинг турмуши бахтли бўлмайди. Унинг ватандоши бўлган яна бир машҳур ёзувчи Мадлен Скюдери хоним эса ҳаётларини бир-бирига боғламоқчи бўлганлар никоҳга қадар ҳамма нарсага кўзларини катта очиб қарашлари, никоҳдан кейин эса баъзан кўриб, кўрмаганга олишлари керак, деб ҳисоблайди.

Бу фикрлардан, энг аввало, турмуш ўртоғини тўғри танлай билиш керак, деган хулоса чиқади.

– Ёш оилаларнинг бузилиб кетишига биринчи галда фарзандсизлик сабаб бўлаётган бўлса, иккинчи сабаби – қизларимизнинг турмуш қуришга тўла тайёр эмаслигидир, – дейди туман ФҲДЁ бўлими мудираси Сайёра Алимкулова юқорида келтирилган рақамларни шарҳлар экан.

Дарҳақиқат, айрим қизларимизнинг кўча-кўйда, жамоат жойларида юриш-туришларини кўриб, эртага улар қандай келин бўлар экан, деб ўйлаб қоласан киши. Тор шим кийиб, қулоғига телефон тутганича, бемалол дил изҳори этадиган, ҳунар-илм ўрганиш ўрнига сўнгги модани афзал кўрадиган қизларимиз ҳам оз эмас. Бу тоифа қизлар турмушга тайёрланишни қимматбаҳо мебеллар, сарполар, тақинчоқлар йиғиш деб билади. Оталарининг давлатию салобатига ишонадилар, ўзларининг ҳусну қоматларига бино қўядилар.

"Фақат севиб уйланишнинг гашти бор, холос, – дейди улуғ рус адиби Антон Чехов, – бирор қизга унинг қадди-қомати келишгани учунгина уйланиш худди бозордан кераксиз бўлса ҳам кўзга яхши кўринган буюмни сотиб олиш билан баробар".

Ўзларини малика деб биладиган қизларни балки инглиз ёзувчиси Жорж Аддисоннинг қуйидаги фикрлари яна ҳам сергак торттирар: "Никоҳнинг шундай хусусияти борки, уни бузиш барҳам топади. Бинобарин, эркак киши ўз маъбудасига яқин туриб боқса, у оддий аёлга айланади".

Аммо, оддий аёл ўз навбатида ўзининг меҳр-муҳаббати, покизалиги, ўткир диди, ор-номусию чиройли оила тутуми билан фариштага ҳам айланиши мумкин, албатта. Улуғ Қобус "яхши хотин – жон малҳами" дея бежиз айтмаган.

Суюкли шоирамиз Турсуной Содиқова қизларга қандай қилиб севимли келин

# БАХТ-САОДАТ КОШОНАСИ



бўлиш борасида маслаҳат берар экан, "куёвнинг остонасини ҳам "Сизлаб" босинг", дейди. Бу – ҳурмат-иззат, чексиз меҳр ва фидойилик дегани эмасми?

"Оқила рафиқам! Агар эринг ёнингда бўлишини истасанг, шунинг пайига тушгинки, токи у ҳеч ерда сенинг ҳузурингдаги каби роҳат-фароғат ва мулойимликка дуч келмасин" . Улуғ математик олим Пифагорнинг ушбу панди бизнинг ҳассос шоирамиз фикрига нақадар уйғун, ҳамоҳанг.

Қадимги юнон файласуфлари таърифлаганидек, никоҳ одамзот авлодлари давомийлигини таъмин этувчи ҳаётий зарурат экан, рус ёзувчиси Александр Герцен оила фарзанддан бошланади, деб ҳисоблайди. Чунки оила – ота-она муҳаббати, улар никоҳи меваси – тарбияли, оқибатли фарзанд эса оила бахтининг муҳим шартларидан биридир.

Буюк педагог Владимир Сухомленский таърифича, оила ҳаётининг бош муддао ва мақсади болалар тарбиясидир. Эру хотин бўлган ота-онанинг ўзаро муносабати эса болалар тарбиясининг бош мақсадидир. Бунда кўпроқ масъулият оналар зиммасига тушади, албатта. Немис адиби Жон Поль бу масъулиятни болалар тилидан аниқ ва лўнда ифодалаб: "Бизга яхши оналарни беринглар, биз яхши одамлар бўлиб етишамиз" деган экан.

Инглиз шоири Жорж Герберт эса битта ота юзта ўқитувчидан устун демак, дея оилада ота тарбияси ҳам нақадар муҳимлигига ишора қилади. Ўз фарзандини бирор фойдали ишга ўргатмаган одам уйида ўғрини боқаётган бўлади. Рус ёзувчиси Максим Горький инглиз олими Томас Фуллернинг фикрини давом эттириб, ёмон болалар учун ота-онани жазоламоқ керак, дейди. Ота-она имонли, покиза инсонлар бўлса, фарзандларига тўғри тарбия берса, ҳаром луқма едирмаса, албатта, бу оилада униб-ўсган фарзандлар ҳам комил инсонлар бўлиб етишадилар.

Бизнинг шарқона турмуш тарзимизда оиланинг бахтли-саодатли бўлишида муҳим роль ўйнайдиган яна бир нечта омиллар бор. Уларнинг асосийларидан бири: қайнона-келин муносабати.

Аслида қайнонага нима керак? Озгина эътибор, озгина меҳр. У йиғиб-терганини кимга беради, ўша келинига, ўғли ва набираларига. Келин қайнонага озгина эътибор берса, у келинга борини беради. Келин қайнонага озгина меҳр берса, у келинига жонини беради. Ақлли ижодкорлар бу борада ҳам ўз фикрларини билдирганлар: "агар келининг яхши чиқса, битта фарзандинг иккита бўлибди, мабодо келининг ёмон чиқса, унда ўғлингдан айриласан".

Умуман олганда, оқил инсонлар, донишмандлар оиланинг бахту саодатли бўлишини кўпроқ аёл кишининг ақл-заковати, феъл-атвори, уқуви ва фидойилиги билан боғлайдилар. Бу ўринда ўзимизнинг машҳур "Эрни эр қиладиган ҳам, қора ер қиладиган ҳам хотин", деган мақолни эслаб ўтмасликнинг иложи йўқ.

Қолаверса, донолардан бири "ўз эрини олға юргизмаган аёл уни, шубҳасиз, орқага тортади" (Жон Милль, инглиз файласуфи) деб ҳисобласа, яна бири "ўз эрининг фикру хаёлини банд этган орзу ҳаваслардан бегона яшаган, уларни рўёбга чиқаришга интилмаган аёл борйўғи эркакнинг жазмани, тежамкор бека, энагадир, лекин рафиқа деб аталган олижаноб сўз замиридаги ҳақиқий аёл эмас" (Александр Герцен, рус ёзувчиси) деб таъкидлайди.

Нима учун барча гап-сўзлар эркакларга эмас, балки кўпроқ аёлларга қарата айтилмоқда? Чунки, француз ёзувчиси Анатоль Франснинг фикрича, "аёл эркак зотининг буюк мураббийсидир".

Аммо, бу эр, фарзандлар ва оиланинг бошқа аъзолари зиммасидаги масъулиятни заррача ҳам камайтирмайди. Мустаҳкам оила бахт-саодат кошонаси экан, бу бахтдан баҳра олиш учун унга барча масъул бўлиши ҳам керак.

**Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ.**

**ХХI аср ва ДУНЁ**

## ГАНЬСУ СЕЛ ОСТИДА

**Бир неча кундан буён тинмай ёғаётган кучли ёмғир Хитойнинг Ганьсу провинциясидаги тоғли ҳудудларда истиқомат қилувчи элликка яқин кишини ҳаётдан олиб кетди, ўн бешдан зиёд одам бедарак йўқолди.**

Синьхуа ахборот агентлигининг маълумотларига кўра, дўл билан бирга келган сел Миньсянь уездидаги 350 мингдан зиёд аҳолига катта иқтисодий талафот етказган. Маҳаллий аҳоли электрсиз қолган.



Табиий офат зарар келтирган ҳудудлардаги ўттиз мингдан ортиқ киши хавфсиз ерларга кўчирилди.

## «SONY» ВА «PANASONIC» ТАНГ АҲВОЛДА

**"Nikkei" нашрининг ёзишича, Японияning "Sony" ва "Panasonic" компанияларининг қимматли қоғозлари баҳоси кескин тушиб кетган.**

2011 йилни 456,66 миллиард иен (тахминан 5,7 миллиард АҚШ доллари) миқдоридаги зарар билан якунлаган "Sony" иқтисодий танг аҳволда. Электрон маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи мазкур компанияларнинг молиявий аҳволи ёмонлашувига рақобатчи корхоналарнинг маҳсулотларига талабнинг ортаётгани сабаб бўлаётир.

**ЎзА.**

**НИГОҲ**

# ЭРГА ТЕГМОҚЧИМИСАН?.. ҲИЖОБГА КИР!

**Негадир шеригим ишга хомуш келди. Аслида, ҳаёт унга ўгай кўз билан қаради. Эри автоҳалокатга учради. Ёшгина боши билан тул қолди. Энди унинг бутун фикри-зикри турмушини қайтадан қуриш. Эсли-ҳушли, инсоф-диёнатли эркакни учратиб, янги оилали бўлиш. Шу ниятда ҳамма билан яхши муомалада бўлишга, ярашиқли кийиниб, ўзига қараб юришга интилади. Аммо, бугун у жуда ғазабнок эди.**

– Нима бўлди? Ким сени хафа қилди? – сўрадим.

– Кеча никоҳ агентликларидан бирига борувдим, – деди у. – Мени рўйхатга ёзишди-да, панд-насиҳатга ўтишди: оддий кийин, жинсида юрма, бу – гуноҳ. Бугун эса, бира-тўла ҳижобга кир, дейишди. Жинни бўлаёздим. Ҳали ўзимга келганим йўқ. "Норд-Ост"даги ҳижобга ўранган, танасига ичдан портловчи моддаларни осиб олган шаҳид аёлларни ҳамон яхши эслайман. Энди агентликларга ҳечам бормайман, гарчи бир умр бева ўтсам ҳам. "Таблиғ"чи тарғиботчилар жонимга тегди. "Ҳизб ут-Таҳрир"чиларнинг диск ва варақаларини ҳар қадамда кўрамиз. Энди эса, у етмагандек, буниси чиқди. Биз қаёққа кетаяпмиз ўзи? Ахир Қирғизистон конституцияга мувофиқ дунёвий давлатку!

Тўғри. Ислом фундаментализми Қирғизистонда шу қадар кенг ва чуқур илдиз отиб, мустаҳкам ўрнашдики, ҳаётнинг ҳамма жабҳаларига кириб борди. Энди диний ташкилотлар раҳбарларининг ўзлари оилаларга бўлажак мусулмон жамиятининг бирламчи бўғини сифатида қарай бошладилар.

Бишкекдаги "Омина" ислом кадрлари агентлиги қошида Мусулмон оилаларни ташкил этиш ва мустаҳкамлаш маркази ишлаб турибди. Унинг асосий вазифаси мусулмон эркак ва аёлларнинг танишувини уюштириш, оилавий муносабатларни мустаҳкамлашдан иборат. Танишув клубига мусулмонлар қабул қилинади. Аёлларга бепул хизмат кўрсатилади. Шу боис ҳозир Марказга мурожаат қилаётган мусулмон аёллар оқими тезлашди. Никоҳ агентлиги хизматидан тул қолган, ажрашган бевалар, гастарбайтер, узоқ муддатга ёки умрбод қамалган, чет элга иш излаб кетиб, ўша ерда яшаб қолган эркакларнинг хотинлари фойдаланмоқдалар.

Бундан ташқари, марказ ходимлари расмий мусулмон руҳонийлар вакиллари билан ҳамкорликда Бишкекда ислом талабларига мувофиқ оилалар барпо этиш ва мустаҳкамлаш мавзусида лекциялар ўқимоқдалар. "Мияни чархлаш" машғулотлари жараёнларида асосий эътибор мижозларнинг кийимбошларига қаратилмоқда. Мусулмонлар кийимини кийиб юриш ҳақида суҳбатлашилганда аёлларни ҳижобга киришга қатъият билан ундамоқдалар. 15-20 йилдан сўнг мамлакатимизда нималар бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлашга юрак бетламайди. Ахир юқоридагиларнинг ҳаммаси нималарга олиб келиши мумкинлигини ҳамма ҳам тушунавермайдику!

Қирғизистон ҳукуматининг бепарволиги оқибатида радикал ислом мамлакат шимолида ҳам кенг тарқалди. Абдуллоҳ Алиев (лақаби Али Абдуллоҳ) "Таблиғ"нинг Бишкек ҳамда Иссиққўл вилоятидаги етакчиларидан бири. Ёши олтмишда, миллати қирғиз, Иссиққўл вилоятида туғилган. Бишкекда ўрнашиб олганига анча бўлди. Бишкекдаги дон қиролларидан бири бўлган Одил (лақаби Одил-Дон) А. Алиевнинг дўсти ва ҳомийси ҳисобланади. У аллақачонданоқ "таблиғ"чиларга молиявий ёрдам бериб келаяпти.

А. Алиев диний-экстремистик ташкилотларнинг Бишкек ва унинг атрофи, Иссиққўл вилояти бўйича тарғибот гуруҳларининг "даъват-сафар"ларини уюштириш билан шуғулланади. У Қирғизистон мусулмонлар диний бошқармасидаги чуқур ва кенг илдиз отган алоқаси орқали ўз тарафдорларининг диний фаолиятларини амалга оширишлари учун ҳеч қандай тўсиқсиз лицензиялар олади, халқ ичида ташвиқот-тарғибот юришлари билан боғлиқ масалаларни осонгина ҳал этади.

Чунончи, Қирғизистон муфтийсининг жанубий минтақалар бўйича ўринбосари Убайдулло Сарибоев Боткент вилояти Қадамжо туманига "таблиғ"чиларнинг бутун бир гуруҳини юборди. 30 кишидан иборат бу гуруҳга бишкеклик Жанигиз Асанов бошчилик қилади. Гуруҳ манзилга етиб келгач, ҳар бири ўн кишидан иборат учта гуруҳга бўлинди. Улардан бири Бирлик айил укумати, иккинчиси Сирт қишлоғида иш бошлади. Учинчиси Ж. Асановнинг ўзи бошчилигида Ҳайдаркен шаҳарчасини танлади. Маҳаллий масжидларнинг имом-хатиблари уларни илиқ кутиб олишди. Тахминан ўн кунлар ўтиб, "таблиғ"чилар Боткент вилояти Қадамжо туманининг бошқа қишлоқларига ўтишди.

Умуман, бу туманда бошқа "таблиғ"чилар ҳам ҳаракат қилишади. Масалан, "Таблиғ"нинг икки фаол аъзоси Уланбек Назаров ва Кубанч Бойболов ўн кунлик даъват учун Боткент вилоятига келишди. Иккаласи ҳам Бишкекдан У. Назаров диний илмни "Таблиғ"нинг Покистондаги ўқув марказида олган. К. Бойболов Ҳиндистондаги олти ойлик курсда ўқиган. Шу боис улар Мусулмонлар диний бошқармасидан Қирғизистон ҳудудида тарғибот-ташвиқот юритиш учун лицензияни осонгина олдилар. У. Назаров ва К. Бойболов ўзларининг Боткентдаги ҳамфикрлариникида бўлишиб, ташвиқот олиб бордилар. Улар ташвиқот ишларига тезда қўшилиб кетадиган обрўли миллат вакилларини ўз сафларига ёллашни афзал биладилар.

Икки ташвиқотчи хуфтон намозидан сўнг "Таблиғ"нинг фаол аъзоси Келдибек Зариповникида меҳмон бўлишди. Хонадонга 30 чоғли одам тўпланди. У. Назаров мажлис иштирокчиларини ислом арконларига қатъий амал қилишга, ўз хотинлари ва фарзандларини диннинг барча ақидаларига ўқитишга, "Таблиғ" сафига киришга даъват этди. Унинг фикрича, бу "Таблиғ"нинг Ҳиндистон ва Покистондаги олти ойлик диний курсларига бориш ва ўқиш имконини берар экан. К. Бойболов эса, ўша мамлакатларга бориш, яшаш ва ўқишга кетадиган харажатларни ўқув маркази тўлашини таъкидлади. 19-20 ёшлардаги икки йигит шу ондаёқ бу алдамчи қармоққа илиниб, К. Бойболовдан сафарга отланиш учун қандай ҳужжат ва бошқа расмиятчилик керак бўлишини зўр бериб суриштиришди.

Бугун Қирғизистонда 200 дан зиёд диний оқимлар фаол ҳаракатда. Улар хоҳлаган ишларини қилаяпти. Бу ҳол, ҳатто, "Ор-номус" фракциясидан депутат Турсунбой Бакир ўғлидек совуқ кимсани ҳам ташвишга солиб қўйди. Ҳолбуки, унинг ўзи "Ҳизб ут-Таҳрир"нинг аъзоси ҳисобланади. Қирғизистон Жогорку Кенеши қўмитаси мажлисида у "Қирғизистон Республикасида эътиқод эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонунга ўзгартириш киритишни таклиф қилди. Токи, диний мазмундаги материалларни тайёрлаш ва тарқатишга оид рухсатномани фақат Мусулмонлар диний бошқармаси ва Православ черков Епархияси берадиган бўлсин. Ҳозир мамлакатда тўлиб-тошиб кетган диний китоб ва видео-аудио маҳсулотларини улар экспертиза қилишлари керак. Йўл-йўлакай у бу масалада етарли иш олиб бормаётган куч қўлловчи тузулмаларга ҳам ўзича тош отиб қўйгандек бўлди гўё.

Турсунбой Бакир ўғлининг гапига қараганда, ҳозир мамлакатда диний маҳсулотларни назорат қилиш билан шуғулланаётган Миллий хавфсизлик давлат қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги бу ишда етарли даражада профессионал эмас. Шу боис бу ишлар билан Мусулмонлар диний бошқармаси ва Епархия шуғулланиши лозим. "Бугунги кунга келиб Қирғизистонда турли секталар кўпайиб кетди, – деди депутат. – Улар пул ёрдамида мамлакатимизда расмий рўйхатдан ўтмоқда".

Бош вазир Алмазбек Атамбоев республика ҳукумати қошидаги хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш кенгаши мажлисида таъкидладики, кўпчилик имомлар тегишли диний илмга эга эмаслар. У дин мураккаб фан экани, ундан дарс бериш учун тегишли билимга эга бўлиш лозимлигини айтди. "Тўғри бизда дин давлатдан ажратилган, – деди у. – Бироқ, одамлар соқол қўйиб, Покистон кийимларини кийиб, ўзларини "мулло" ёки "даъватчи" деб ҳисоблашлари ва ислом ҳақида ҳикоя қилишларига йўл қўймаслик керак", деди ҳукумат бошлиғи. У айтдики, дин – қудратли қурол, қирғизистонликлар мактаб партасидаёқ дин асосларидан воқиф бўлишлари керак. Бунинг учун А. Атамбоев "Дин тарихи" дарсини ишлаб чиқиш ва уни мактабларда жорий этиш масаласини ўрганиш ҳақида мажлис иштирокчиларига топшириқ берди. Мусулмонлар диний бошқармаси ва таълим вазирлигига диний таълим тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш масаласини ўрганиш вазифаси юклатилди. "Ишонаманки, муфтиятдагилар бизга хайрихоҳлик билдиришади. Зеро, бу муҳим масалада бағрикенглик зарур" деди у.

Бу соҳада бағрикенглик қилиш ёки қилмасликка, кимларнингдир хайрихоҳлигига эришишга кеч бўлмадимикин? Мамлакат экстремизм ботқоғига ботиб бораяпти ва энди бундай чоралар аҳволни ўнглолмайди. Бу жангда биз ютқазиб бўлдик.

**Торобек БУЛАТОВ.**
**www.paruskg.info.**

**ХОТИРА ТУРНИРИ**

**1-8 май кунлари Оҳангарон болалар ва ўсмирлар спорт мажмуасида Умар Умрзоқов хотирасига бағишлаб ўтказилган анъанавий футбол турнирида юртимизда улуғ аждодларга муносиб баркамол авлод камол топаётгани яна бир бор намоён бўлди. 9 май – Хотира ва қадрлаш куни арафасида Умар Умрзоқов номидаги Оҳангарон болалар ва ўсмирлар спорт мажмуаси миллионлар ўйини мухлислари билан гавжум бўлди.**

# АЖДОДЛАРГА ИЗДОШ АВЛОД

Кексаю ёшнинг диққат-эътибори яшил майдонга қаратилди. Бир ҳафта давом этган қизғин ва муросасиз баҳслар якунига етмоқда. Финалда ўтган йилги турнир ғолиби – 12-умумтаълим мактаби ёш футболчилари ва майдон эгалари курашмоқда. Асосий вақтда 1-1 ҳисоби қайд этилди. Қўшимча вақтда ҳам дуранг натижа ўзгармади. 11 метрлик жарима тўпларини тепишда мезбонларнинг қўли баланд келди. Қийинчилик билан эришилган ғалабада шубҳасиз жамоа дарвозабони Ихтиёр Отабековнинг ҳиссаси катта бўлди. У жуда яқин масофадан берилган кучли зарбаларни маҳорат билан қайтара олди.

Ёнариқдаги 15-умумтаълим мактаби ўқувчилари волейбол ва шахмат беллашувларида мутлақ ғолибликка эришиб, миллий кураш баҳсида кучли учликдан жой олишди. 12-, 38-мактаб волейболчилари, 12-, 13-мактаб шахматчилари кейинги ўринларни банд этишди. Кураш мусобақасида биринчиликни эгаллаган 52-мактаб футболчиларига учинчи ўрин насиб этди. Бокс майдонида юқори ўринга сазовор бўлган 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби вакиллари турнирнинг миллий кураш баҳсларида иккинчи поғона билан кифояланишди. Бокс беллашувида кучли иккиликдан жой олган 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби бадиий гимнастикачилари биринчи, 38– ва 6-мактабнинг нафис спорт тури соҳибалари иккинчи ва учинчи ўринларга муносиб топилди. Турнирга мезбонлик қилган ёш чарм қўлқоп усталари кучли учликдан ўрин олишди. Ғолиб ва совриндорлар туман ҳокимлиги ва ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Дарҳақиқат, майдонга тўпланган меҳнат фахрийлари, корхона, ташкилот, муассаса ходимлари, ўқувчи-ёшлару жажжи ўғил-қизлар – барча-барчанинг қизғин беллашувлар завқи ва ғалабалар шукуҳидан кўнгли тоғдек кўтарилди. Даврада янграган дилбар тароналар байрамона тадбирга янада кўтаринки руҳ бағишлади.



Халқимиз азалдан санъатсевар. Спорт ҳам энг оммабоп, энг севимли ва қизиқарли санъат. Шундай экан, элимизнинг спорт мусобақаларини байрамона руҳда ўтказиши табиий ҳол. Бунинг устига бош ҳомий Шунқор Умрзоқов 10 нафар болажонларга ҳар бири 200 минг сўм қийматга эга жамғариб бориладиган омонат дафтарчаларини тақдим этгани ҳам тинчликсевар юртимизда инсон қадри юксак, хотираси азиз эканлигининг яна бир амалдаги кўриниши бўлди.

**Самад ЙЎЛДОШ.**

**ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ**

# ҚОЧИШ ЖАЗОНИ ОҒИРЛАШТИРАДИ

Техника инсонга бўйсундирилган экан, ундан фақат яхши ишларда фойдаланиш мақсад қилинган. Шундай экан, ҳар бир инсон техниканинг бекиёс хизматидан фойдаланаётганда ғоят ҳушёр бўлмоғи керак.

Орамизда шундай одамлар борки, улар қилғиликни қилиб қўйиб, разолат ботқоғига ботадиларда, ундан чиқишга ҳаракат қилиш ўрнига, ўзларини баттар чўктирадилар.

Шу йилнинг биринчи апрелида кеч оқшом пайти Тошкент – Ўш йўлининг Ўрта Чирчиқ тумани Қорасув ҳудудидан Тошкент йўналиши томон ҳаракатланаётган автотранспорт кўчани кесиб ўтаётган 33 ёшлардаги Бахтиёр Мирзалиевни уриб юбориб, қочиб кетади. Натижада жабрланувчи воқеа жойида вафот этди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ушбу ҳодиса юзасидан текширув ўтказиб, номаълум шахснинг ҳаракатида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 266-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноят аломатлари мавжудлигини аниқлади.

Тезкор қидирув, автотехник троссология ва кимё экспертиза натижасида қилғиликни қилиб, воқеа жойидан қочиб кетган шахс Содиқжон Каримов эканлиги аниқланиб, дарҳол қўлга олинди. Ўша куни С. Каримов бошқарувидаги давлат рақами 01 О 536 ЕА бўлган Матиз русумли автотранспортда ушбу жиноятни содир этиб, яширинишга ҳаракат қилгани тергов-суриштирув жараёнида аён бўлди. Энди айбланувчи бу ҳаракати учун қонун олдида икки ҳисса кўпроқ жавоб беришига тўғри келади.

**Отабек АБДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси олий ўқув курслари тингловчиси.**


RESPUBLIKA MULK MARKAZI RMM

**Муҳтарам юртдошлар!**

**«Respublika mulk markazi» YoAJ «Toshkent Mintaqaviy filiali»**

Сизларга кўчмас мулк ҳисобланмайдиган барча турдаги мулкларни хусусан, хўжалик юритувчи субъектлар устав фондидаги улушлар, автомототранспорт воситалари, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситаларни оммавий савдога чиқаришда маслаҳат-консалтинг хизматларини кўрсатади ҳамда савдоларни қонуний ва сифатли ташкиллаштиришда амалий ёрдам беради.

Хизматлар **«Respublika mulk markazi» YoAJ «Toshkent Mintaqaviy filiali»** нинг кўп йиллик тажрибага эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

**Бизнинг манзилимиз:**
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 19-уй. Тошкент вилояти ҳокимияти биноси 3-қават 5-, 6-, 7-хоналар.
**Телефонлар:** 233-49-31, 233-28-52. +99897-782-54-54

**«Respublika mulk markazi» YoAJ «Toshkent Mintaqaviy filiali» Сизнинг энг ишончли ҳамкорингиз бўлишини кафолатлайди.**



ООО "KUNDALA", зарегистрированное отделом гос. Регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирзо Улугбекского района г. Ташкента от 21.09.2000г., (ИНН 203392241) в соответствии с протоколом общего собрания учредителей № 1 от 10.05.2012года о ликвидации ООО "KUNDALA", **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**
Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования данного объявления по адресу: г. Ташкент, Мирзо Улугбекский район, ул. Путилова, д. 114-А.

Утерянный аттестат А № 734785, выданный в 1985 году школой № 119 Алмазарского (С. Рахимовский) района г. Ташкента на имя Камаловой Гулнозы Бахадировны,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный аттестат о 9-летнем образовании за номером В № 098651, выданный 13.07.1992 году школой № 232 Чиланзарского района г. Ташкента на имя Михалёва Вячеслава Геннадьевича,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный диплом АУ № 105215, выданный 1995 году 38-СПТУ г. Ташкента на имя Михалёва Вячеслава Геннадьевича,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган "SIZGA-BARAKA" уй-жой мулкдорларининг ширкатига тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Мирobод тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган "BEXDIR" МЧЖга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"YUGLANS" МЧЖнинг С. Раҳимов тумани ҳокимлиги томонидан 28.09.2011 йилда 1155-сонли қарори билан рўйхатга олинган далолатномаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

**Телефонлар:**
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир **Сайёра РИХСИЕВА**
Навбатчи **Юлдузхон МУҲИДДИНОВА**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-542. Адади 12398. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.50. 12345